

ИЖОДКОР ҲАМ ҲАМ ҲАМ II РЕСПУБЛИКА АНЖУМАНИ ОЛДИДАН

Дарса «Севимли ўқувчим» мавзуда иншо ёзишга тайёрландик.

— Қайси ўқувчини танлашга шайланган. Обдон ўйланг, энг яхши кўрганнинг ҳақида ёзинг, ишонарли чиқади, — дедим ўқувчиларга. Баъзилари узоқ, баъзилари ороққўйлаб қилишди, айримлари ўзаро пичирлашиб ҳам олдилар. Ниҳоят, иншо ёзишга киришди. Қизиқиб парталари оралиб бошладим. Деярли ҳамма Аллаберди Раҳмонов ҳақида ёзди. Гарчи ўқувчиларнинг ҳаёлини чалғитиш ноқўй бўлса-да, сўрадим:

— Наҳотки, ҳамма Аллаберди Раҳмонов ҳақида ёзса?!

Кимдир эътироз билдирди: — Ахир ўзингиз энг сеvimли муаллим ҳақида ёзинглар дедингиз-ку.

Дадилроқ ўқувчилардан бири сўради:

— Муаллим бизнинг ўрнимизда сиз бўлсангиз, ким ҳақида ёзардингиз?

— Меними?

Қутилмаган саволга тўғри жавоб бериш керак эди. Мен ороққўйлаб қолдим, кўз олдимдан соёққўйлаб устозларим ўта бошладилар, улар орасида Аллаберди Раҳмонов ёрқин қолдуздай ажралиб турарди.

— Мен ҳам Аллаберди Раҳмонов ҳақида ёзар эдим, — дедим ишонч билан.

— Ана, деди кимдир, — биз ҳам шу муаллим ҳақида ёзимиз.

— Бўпти ёзинглар.

Ўқувчининг саволи бундан йигирма йиллар олдинги воқеаларни эслатди. Ушанда биз саккинчи синфга ўтган эдик. Параллел синфларнинг бири «яхши» саналса, бири «бундайроқ» ҳисобланарди. Бизнинг синф ўғил болалари кўпчилиги учунми, «бундайроқ» ҳисобланарди. Одатда бундайроқ синфларнинг раҳбарлиги қаттиққўй ва талабчан ўқувчиларга топшириларди. Бизга А. Раҳмонов синф раҳбари этиб тайинланганди. Унинг биринчи сўхбаты шундай бошланганди:

— Биз бир-биримизни яхши билемиз. Мен бир гапни икки марта такрорлашми ётирмаймиз. Ўқувчилар қондасида бўйсунмайдиганлар билан махсус «гап-лашми» ҳам қўйилган келлади. Ўйламанки, иш унганча бормас. Биз ўзаро дўстона алоқа ўрнатилишимиз лозим. Истаган вақтингизда сўхбатлашмига тайёрман. Физика кабинети, радиоузел хонаси, меҳмонхона дом сиз учун очилди! (Ўқувчи меҳмонхонасини дарсхонага айлантирган, стол-стул, доска қўйган, истаган ўқувчиларга уйда қўшимча дарс ўтади, ҳовир ҳам). Мен ҳам хоҳлаган вақтида сизнинг уйингизга кириб боришим мумкин.

Муаллимимиз кимнинг нимага қизиқганини, ҳатто дўстлари кимлигини тезда билиб олди. Юзма-юз сўхбатларга ўқувчиларни тез-тез таклиф қиларди. Ниҳоят, мени ҳам сўхбатга таклиф қилди. Айбларимни эслаб, ҳар бирига жавоб ўйлаб, ҳузурга йўл олдим.

— Қани, шоир, янги шеърлардан эшитайлик.

Сал талмовсираб, қандайдир баян парвози шеър ўқидим. У оғир ўғмиш ва бугунги бахтли ҳаётимиз ҳақида эди.

Муаллим сўради:

— «Қуллар» романини ўқиганми?

— Йўқ.

— «Қуллар»ни ўқймай ўтмишининг оғирлигини қайдан биласан? Энди мен шеър ўқийман, сен тингла:

— Деди: қайдин сен, эй мажнунни гумроҳ?

— Деди: мажнун Ватандин қайда огоҳ?

— Буни ким ёзганлигини биласанми?

— Йўқ.

— Навоий ёган. У жами ўзбек шоирларининг бири бўлади. Сенга маслаҳатим, ҳозирча шеър ёзишдан кўра кўпроқ китоб ўқи. Эсингда тут: яхши ёзиш учун кўп ўқиш керак.

Домланинг уйи, физика кабинети, биз учун сеvimли жой эди. Торттишлар, бахслар тугамасди. Синфдошларимиздан Рустам Эшонқулов физикадан республика олимпиадасида фахрли ўрнини эгаллади. 10-синфни 39 ўқувчи

муваффақиятли тамомладик. Икки синфдошимиз олтин медал олишга сазовор бўлди. Кейинчалик ҳаммаси ҳаётда ўз ўрнини топиб кетди. 15 нафар олий ўқув юртли талабаси бўлди. Орадан йиллар ўтиб, бир суҳбатда домлага шу ҳақида фахрли раҳбарим.

— Кам, — деди, — тенг ярми олий маълумотли бўлиши мумкин эди.

Устоз билан бирга ишлайми. Бўш вақтим бўлди дегунча сўхбатлашмига интиламан. У, айниқса, шоирларни ҳақида тўқиниб гапирарди.

— Шу йил ўқувчилик фаолиятимни бошлаганимга 30 йилдан ошди. Эҳ, ҳе... қанча шоирлар таърифладим. Айримлари панд берди, кўплари ишонччи оқладилар. Умуман, шоирларимдан миннатдорман.

— Ўқувчиларингиз Сизни дилдан ҳурмат қилади, бунинг сабаби нимага? Очиги, шоирларингиз сиздан ширин сўз кам эшитадилар-ку?

— Бу гап тўғри, мен кўнглимдагини пардозламай, тўппа-тўғри айтаверман. Мақсадим: ўқувчи бир нарсани олсин, келажакда яхши одам бўлсин. Мени яхши кўрадими, йўқми, буни ўйламайман ҳам. Лекин шоирларимни фарзандларимдан кам кўрмайман. Аччиқ сўз ҳам ўринли айтилса, катта тарбиявий кучга эга бўлиши мумкин. Бир воқеани айтاي. Соёққўйлаб раҳбаримдан бири ичкиликка берилди. На ота-онанинг гапига қўлоқ солади, на бир жойда қўним топиб ишлайди. Бир куни

— Ҳовир қанақа пайтигини биласанларми? Саводсизлар! Газета-журнал ўқийсанларми? Мурожатдан хабарларинг борми?

Ярим белигача лойга ботган ўқувчилар гаранг, бир менга, бир унга қараб жавдирарди. Ўзимни зўрға босиб гап бошладим:

— Аввало, ассалому алайкум. Тўғри айтдингиз, болалар саводсиз. Қўрақсиз, умри далада ўтапти. Иккинчидан, улар сиз айтган газеталарни ўқинмайди. Уларнинг газета-журналлари бошқа: «Ленин ўқунгиз», «Гулхан». (Бу наирлар илгари шундай номланарди). Уларда бахтли болалик, атло ўқини ҳақида ёзишарди. Демак, сиз айтган мурожат буларга тааллуқли эмас.

Истеҳзомни янширмай кўзларига тик қараб жавоб кутдим.

Раҳбар машина эшитгани қарсиллатиб ёлди...

— Сизнингчи ўқитувчи хос бўлган асосий сифатлар нимага?

— Биринчиси ва асосийси билим! Ўқитувчи саводли бўлиши шарт! Муаллимнинг айрим камчиликларини кечирш мумкин, аммо саводсизлигини кечирмаслик керак. Саводсиз муаллимни тўрт томонинг қиёбда, деб мактабдан жавоб бериш керак. Ўқитувчи шахсан намуна бўлиши лозим. Энг қийини ҳам шу! У ўқувчини эргаштира олсин. Яна муҳими, қаддини тик тутиб яшасин!

— Ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган омиллар ҳақида сўзласангиз?

«Халқ таълими илғорлари» — энг яхши очерк учун танлови

У С Т О З

учратиб қолдим. Соқоллари ўсиб кетган, кўйлақлари гижимланган, туфлисининг иллари йўқ. Саломига алиқ омай сўрадим:

— Келин билан ажрадингми?

— Йўқ, нега бундай дейсиз?

— Агар аҳволинг шу бўлса, хотининг ажраб кетиши ҳеч гап эмас. Эсиз сенга берган тарбия. Хайф сенга йигитлик. Менга энди домла дема, менинг сендек шоирим йўқ!

У бақрайиб қолди. Гапларим қаттиқ таъсир қилган экан, шу йигит ўзини қўлга олди. Ичкиликни ташлади.

— Ўқитувчининг обрўси ҳақида гапирсангиз?

— Ўқитувчининг обрўси ўз қўлида.

Устоз деган номни улуғлаётганлар ҳам, ерга ураётганлар ҳам бор. Тўғри, турғулик йилларида айрим раҳбарлар ўқитувчини югурдакка айлантираётган эдилар. Пилла, яғана, пахта терими мавсумида бригадирнинг ёрдамчиси эди. Бир воқеа эсимдан чиқмайди. Шарос ёмғир қўймоқда. Дала негиде фат ўқувчилар, бригадир қўлини белига қўйиб, менаг буюрди:

— Домла, барибир ёмғир тинмайдинга ўхшайди. Менинг зарур ишларим бор. Ўзингиз бош бўлиб, болаларни далага олиб кириг.

— Ўйлаб гапирасизми? Шу пайтда далага кириб бўладими?

— Буйроқ шу, бажармасангиз ўзингиздан кўрасиз.

— Э, қўлингдан келганини қил! Бригадир гўлдираб жўнади. Орадан кўп ўтмай ўша пайтдаги туман раҳбарларидан бири етиб келди. Машинадан тушар-тушмас дағдаға қила бошлади.

Видео, Москва телевиденеси, айрим ота-оналар! Қишлоқда мен билмаган хонадон йўқ, истаган вақтим оилаларга кириб бораверман. Сулурилмаган ҳовилар, ювқсиз илши-товолқ... Фарзандлари олдида гижимлаётган ота-оналар, ўғиллари билан карта ўйнайдиган, носни бирга чекадиган оталар, озгидан бош кириб, шоди чиқадиган шаллақчи оналар фарзандлари тарбиясини бузадилар...

— Умуман, миллий қадриятларга эътиборни асло сусайтирмалик керак, фикрини давом эттарди у. — Минг афсуски, ёшларимиз ҳаё, уят тушунчаларини кўп ҳолларда четга йиғиштириб қўйишарди. Бир мисол айтмай. Бир қишлоқда уч кунда икки дугонга тўй бўлди. Биринчи тўйда хали келин бўлмаган қиз ўйнаб, қўшиқ айтиб дугонанинг тўйини роса қизитди. Айтганимдек, учинчи кун ўзига ҳам тўй бўлди. Энди уч кунлик келинчақнинг нағмасини кўрсанг эди, у келинлик либосида шунақанги қўйладими, шунақанги ўйнадики, отарчилар бир четда қолиб кетди. Эри билан бу ўзбекча, на европача ўйини, танцами кўрсатди, ҳамма «қо-йил қолди». Мени ажаблантиргани кўпчилик бунга одатий ҳол деб қаради. Қани, миллий одатларимиз? Қайси замонда уч кунлик келинчақ шунчалар тарбиясизлик қилган?

— Домлажон, тарбиявий соатларнинг бирида сизни ўқувчиларга роса мактабим. Энди кеңирасиз-у, улар бола-да, биттаси «Раҳмоновнинг кечаси ҳам озгидан сизга тушмас керак».

— Демла беғарас кўлди.

— Емон жойдан тутдинг-а. Биласан,

умуман спиртли ичимлик ичмайман, нос чекмайман. Аммо бу дардидардан қандай қутулишни билмай ҳайронман! Ҳали ёшсан, билинмайди. Муаллимлик оғир, инжиқ касб. Баъзан арзимас нарсаси шундай асабига тегадики... Бироқ бу баҳона эмас! Чекиш — менинг заиф томоним.

— Эшитишимча, аввалроқ сизни бошқа ишларга, ҳатто раҳбарликка таклиф қилишган экан. Касбни ўзгартириш имкони туғилган экан-ку!

— Рост, бир эмас, бир неча бор масъул лавозимларга таклиф қилишди. Айниқса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор, «Шарқ Юлдузи» жамоа хўжалиги бошқаруви раис марҳум Раҳмон Жумаев раҳбарлик лавозимларига таклиф қилди. Аммо мактабдан, ўқувчиларимдан, севган касбимдан қўнғил уза олмадим.

— Сизни на уйда, на мактабда бирор дақиқа бекор кўрганми йўқ.

— Мен ҳам уйга боргач, диванга ёнбошлаб, видеомагнитофондан Олмаҳон Ҳайитованинг қўшиқларини тинглаб дам олишни ороқ қиламан. Аммо бунга на вақт, на имкони, на ўша видеомагнитофон бор. Мактабдаги боши-кечи йўқ ишлар, фарзандлар ташвиши. Фақат маошга кўз тикиш ноилжонини иши... Сигир, қўй бокмасанг, деҳқончиликдан орттириб бозорга олиб борма-санг, рўзгор тебратиб бўлмайди.

— Айниқса, меҳмонхонасини билмаган одам қишлоқда бўлмас керак. Бу кўҳна меҳмонхонага ўқувчилик йилларим анча қатнагандим.

— Эҳ-ҳе, бунинг қурилганига ҳам юз йилдан ошди. Ота-боболаримдан қолган ёлғиз, аммо қадри мерос шу. Бобом Хўжағелди амин кўрдирганлар.

— Ота-боболарингиз ҳақида эл орасида яхши гаплар юради.

— Улар билан фахрланаман. Онамнинг отасини Сафарниёз ҳожи деб эъзозлаганлар. Сафарниёз ҳожи етти ойда муңдас Маккани зиёрат қилиб, ҳожи бўлиб қайтганлар. Отанинг отасини Хўжағелди амин дер эканлар. Босиб амалдор бўлса ҳам, мол-даволат туپлашга интилмаганлар. Борини эл билан баҳам кўрганлар. Очлик йиллари ҳар кунги ёрма пишириб оиларга тарқатганлар. Дастлаб шу меҳмонхона ҳам етим-есирларга бошана бўлган, кейинчалик қишлоқ шўроси биносини, мактаб, омбухона бўлган. Сўнгра ота мерос сифатида ўзимга беришди. Қўриб турганимдек, уни дарсхонага айлантирдим. Ўқитувчи бўлибманки, бундан ўқувчиларим надами узишмайди, баъзан кечгача дарс тайёрлаб, тунаб ҳам қолишарди.

— Фарзандларингиз кимга эргашинди?

— Албатта, ўзимга-да. Уч ўғим ҳам ўқитувчилик касбинини танлашди. Укам Сувоп, қизим Ваҳор, келиним Дилором ҳам ўқитувчи. Қолган қизларим ҳам ҳаётда ўз ўрнини топишган.

— Домла, ҳар бир кишининг ҳам ушалмаган орузи, армони бўлади, дейдилар.

— Мен тақдиримдан розиман. Тўғриси, битта армоним бор... Физика соҳасида етук, зукко, эл таниган олим тайёрлашни ороқ қиламан. Шоирларимдан олимлар кўп, лекин у фақат физика соҳасида катта ишлар қилишни хоҳлардим.

Бутун куч-қувватимни ёш авлод тарбиясига бағишлаган Аллаберди Раҳмонов Бухоро вилояти Олот туманидаги Садриддин Айний номи ўрта мактабда ишламоқда. Машақатли ва шарфли хизматлари учун «Меҳнат ветерани», «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси», «Катта ўқитувчи» «Методист-ўқитувчи», «Биринчи тоифадаги ўқитувчи» унвонлари билан тақдирланган.

Узоқ йиллар давомида тарбиялаган минглаб шоирларни номидан миннатдорчилик билдириб, у кишига ҳорманг, УСТОЗ, узоқ йиллар омон бўлинг, эг-гу орузларингиз ушалсин, деймиш.

Жўра ҲАМРОЕВ, Бухоро вилояти Олот туманидаги С. Айний номи мактабининг олий тоифали ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси.

КУТГИЛ МЕНИ ВА МЕН ҚАЙТАМАН

(С. Симонов йўлида)

Фалак гафво солди шўрлик бошимга, Оғу қўшди маним ёвғон ошимга, Тигу паррон чарх ураб қирқ ёшимга, Чидайман тош сабр-бардошимга, Онамим, кутинг ва мен қайтаман.

Қаёқларда ётибман — йўқ хабарим, Бу чоҳларга тушмаганим гузарим, Қалбларни титратар зеру забарим, Доғда қолмиш барча хешу табарим, Онамим, кутинг ва мен қайтаман.

Дунё дунё қадар кенг, узукдай тор, Инсон — зоти шариф ва қанчалар хор, Одам эрур одамга дўсту агёр, Бермаклик бир-бировга бунча озор, Онамим, кутинг ва мен қайтаман.

Тошинг оғир, тишга қўйил тишининг, Қўлга олгил пароканда хушининг, Сувга айтгил кўрган ёмон тушининг, Парт қилмагил тоза кўнгиш кушининг, Сарвиносим, кутинг ва мен қайтаман.

Салом айтинг маним ўғил, қизима, Парво қилманг лофчиларнинг сўзини, Тик қарангиз қон талашган кўзимга, Туфлангангиз ҳалол нону тузимга, Дўст-ёронлар, кутинг ва мен қайтаман.

Дўстлар йиғлаб, шум рақиблар кулмаса, Гавсул Аъзам ҳақ йўлига йўлласса, Ҳизр Илйёс, Гадоё Селкин кўлласса, Илло насиб этса, худо хоҳласса, Қилбоғоҳим, кутинг ва мен қайтаман.

Ғайбулла ас-САЛОМ

ЧАРАҚЛАБ КУЛСИН КУЁШ

Гаразлар сиғинган кўҳна ғамларнинг,

Кулбасини омад яшиндай куйдир.

Ҳақ суйган фаришта, қайдасан келгин,

Кунларимга нурдан кўйлақлар кийдир!

Қалбларда баҳорлар яратган ишонч,

Чанқаган умидга сувингдан ичир.

Дилем, хотиранинг дафтарларидан,

Қон қусган йилларнинг ёдини ўчир.

Беланчагингда асра дунёни севинч,

Армон аталган қиз сочини юлсин.

Булут чангалидан қутилган куёш —

Умримга содиқ дўст чарақлаб кулсин.

Тамара ХУММАМАНОВА.

Зомин тумани.

ТИЛГА КИРАР ҲАТТОКИ БОРЛИК

Юрагимда улғаяр осмон,

Тиниқлашар зангор борлик.

Кенгайди уфқлар ҳар ён,

Мовий тоғлар қуйлайди қўшиқ.

Учиб-учиб кетар руҳларим,

Қанотда жаранг овозларим.

Тилга кирар қалб шуқуҳларим,

Оққушларга сўйлайди розлар.

Тинглар мени самолар жимиб,

Ураб олар қўшчалар гўжгон.

Шаршаралар туради тиниб,

Товар дилда феруза уммон.

ҚАДИМ МОМОЛАРГА

Олис-олислардан келади садо,

Нурланган оҳангар-жаранги таниш.

Замонлар сийрат руҳимда пайдо,

Зулумот бағридан балқийди ўтмиш.

Қадим момоларга бераман салом,

Упаман этаклар учини аста.

Айланиб теварак-атрофин субҳ-шом.

Тутаман боғимдан ажиб гулдаста.

Заъфарон юзларда ҳикмат намоён,

Кўзлар ҳаётда ҳаёт қисмати.

Бошлар мушоира қумрилар шу он.

Тонгача тугамас кўнгишлар хати.

Ҳазин шоирлар ўқийди нуқул,

Ситамлар фалақининг сатрларини.

Уртанар Увайсий доғ ўлиб кўнгул,

Инжулар Нодира хотирларини...

Маҳзуна фарёди улаиб кетар,

Зукко таъб тарихнинг талқинларига.

Лиммо-лим дарёлар гуржираб ўтар,

Чўмилар юрагим ёлқинларига...

Гулсара ХУДОЙБЕРГАНОВА,

Ҳазорасп тумани Улуғбек номидаги 45-мактабининг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси.

ИНСОНИЙ ХИСЛАТЛАР ҲАҚИДА ТОПИШМОҚЛАР

Ўз-ўзинга бераман азов,

Юраб-бағрим оловсиз кабоб.

(Бахил).

Қилишим дард устига чиққон,

Ичу сиртин кемирар сичқон.

(Ҳасадчи).

Ер юзига пушти-паноҳман,

Воқийликка ёрқин гувоҳман.

(Сахий).

Кекса одан каби табарруқ,

Қоплар ичра ёқут кўз уоқ.

(Чин сўз).

Туншуни осмонда,

Қўллари қармоқда.

(Маниман).

Гўё милтиқ, беш отар,

Тегмаганга тош отар.

(Фосил).

Ерга уруғ сочган инсоли деҳқон,

Мени ўз кўнгилга экади инсон.

(Эҳсон).

Мен қийноқда тишлар зарбидан,

Майда-майда бўлган том, маъдан.

(С


КУТЛАЙМИЗ!

Азиз устозимиз Асадулла ака УСМОНОВИ



Табаррук 60 ёшга тўлган ушбу кунларда барча қавму-қариндошларингиз қатори биз — Ургут туманидаги 16-мактабда фаолият кўрсатаётган шогирдларингиз ҳам бениҳоят хурсандимиз. Доймо муносиб фарзандларингиз ва ўқувчиларингиз камолдан гурурланиб юраверинг. Соғлиқ-саломатлик, хуш кайфият ҳамisha ҳамроҳингиз бўлсин!

Ўқувчи падари бузрукворимиз Хайитбой ЯКУБОВИ



Азиз отажон, меҳрибон мураббий ва оиламининг нури дийдаси. Узоқ йиллардики, Қорақалпоғистон Республикаси Элликальа туманидаги 37-урта мактабда халқ фарзандига тарих сабақларини ўргатиб келаясиз. Шунинг билан бирга рўзгор тебратилиб, фарзанд тарбиялашда ҳам маҳалладеғиларга ўрнатилганлигингиз биз, фарзандларингизни қувонтириб, сиздек бўлишга ундаяпти.

Ўқувчи падари бузрукворимиз Хайитбой ЯКУБОВИ


Ўқувчи падари бузрукворимиз Хайитбой ЯКУБОВИ



Ўзоқ йиллардики Косон туманидаги мактабларда тил ва адабиётдан ёшларга таълим бериш билан бирга рақобатлик лавозимини ҳам ишлаб, жамоани ўзингиздек бўлишга ундадингиз.

Ўқувчи падари бузрукворимиз Хайитбой ЯКУБОВИ

Ўқувчи падари бузрукворимиз Хайитбой ЯКУБОВИ



Айни пайтда ҳам туман халқ таълими бўлимида туриб педагогларга йўл-йўриқ кўрсатишда ҳамisha бошқосиз.

Ўқувчи падари бузрукворимиз Хайитбой ЯКУБОВИ


Ўқувчи падари бузрукворимиз Хайитбой ЯКУБОВИ



Таваллуд топган кунингизга 60 йил тўлиши муносибати билан чин юракдан кутлаймиз. Фарзандларингиз, касбдошларингиз бахтига доимо соғ юринг.

Ўқувчи падари бузрукворимиз Хайитбой ЯКУБОВИ

Ўқувчи падари бузрукворимиз Хайитбой ЯКУБОВИ



Косон туман халқ таълими касаба уюشمаси кўмитаси ҳамда Х. Олимжон номидаги мактаб жамоаси.

ЎЗБЕКИСТОН ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК ЖАМҒАРМАСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАБИАТНИ МУХОФАЗА ҚИЙШИ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИИ ВА ўрта МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН «ТАРАҚҚИЕТ ИЛМИЙ-ТЕХНИК» АССОЦИАЦИЯСИ

1993 йил 20—22 октябрда Тошкент шаҳрида «Экологик таълим-тарбия муаммолари мавзусига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилади».

Конференциянинг мақсади: аҳолининг экологик таълим-тарбия ишларини юксак даражада такомиллаштиришнинг форма ва методларини аниқлаш. Республика олимлари, мутахассислари, муаллимларининг экологик таълим-тарбия соҳасида олиб бораётган илмий-амалий ишларини умумлаштириш ва мувофиқлаштириш. Республика

аҳолисининг экологик маданиятини, саводхонлигини оширишнинг метод ва усулларини белгилаш: Унда, методологик, илмий, ижтимоий-иқтисодий, этник, маданий, маърифий, педагогик, молиявий, ташкилий муаммоларга боғлиқ бўлган табиатни муҳофаза қилишга оид таълим-тарбиянинг узлуксиз тизimini ташкил этиш масалалари кўрилади.

Шунингдек, мактабгача тарбия ва мактаб тизимидаги болаларга, махсус ҳунар-техника билим юрти, ўрта махсус ва олийгоҳ талабаларига ҳамда бошқа касб кишиларини табиатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис қилиб тайёрлашга, раҳбар ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакаларини оширишга, олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимида халқ ҳўжалиги ва педагогик кадрларни тайёрлашга боғлиқ бўлган масалалар ҳам кўриб чиқилади.

Конференция материаллари олдиндан чоп қилинади ва ўтказилаётганда қатнашчиларга тарқатилади.

Тезис икки нусха 1,5 ораликда чапдан 30 мм, ўнгдан 10 мм, юқори ва пастдан 20 мм рамкада

мавзунинг номи, муаллифнинг исми-шарифи бош ҳарфларда ўрта меъёр қалинликдаги лента босмадан чиқарилади.

Конференцияга қатнашиш учун ташкилий комитет (Олмасор кўчаси, 174 УЭФТИ, 17-хона)га қуйидагиларни юбориш зарур:

- 1. Конференцияга қатнашувчи ҳақида маълумот;
2. Тайёрланган маърузанинг номи;
3. Меҳмонхонанинг зарурлиги.

Маълумот олиш учун телефонлар: Ташкилий кўмита — 45-54-63, 45-62-67;

Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш Давлат кўмитаси — 41-45-33, 41-11-03; Олий таълим вазири — 39-40-96;

Халқ таълими вазири — 39-11-41.

Ташкилий кўмита конференция қатнашувчиларининг келиб кетишлари учун билетлар билан таъминламайди.

ТАШКИЛИИ ҚўМИТА.

Кўп йиллар собиқ империя таълимига учраган тилимиз эндиликда ўта қийинчилик билан ўзини тикляпти. Тарих қаърига сингиб кетган бир ҳарф ёки бир товушнинг аслини тиклашга қанчадан-қанча илмий ишлар қилинишига тўғри келяпти. Баъзи ҳолларда эса биргина ҳарф ёки товушнинг аслини тиклаб ҳам бўлмайпти. Бунга ўрхун-Энасой, сўғд ёзувлари ва уларни ўқинидаги қийинчиликларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Маълумки, жой номи ҳам тил, тарих ва қадриятни минг йиллаб асровчи атамалар саналади. Бу ёдгорликларнинг ҳаммасини биз келгуси авлодларга иложи борича тўлиқ ва аниқ етказиб беришимиз лозим. Бугунги кунда мустақилликка эришиб, қизил империя асоратларидан қутулган эканмиз, ўзгартириб топилган жой номиларини ҳам қайтадан тикляймиз. Вазифамиз мураккаб, яъни жой номиларининг асл маъносини аниқлашимиз, ёзувда тўлиқ берилишини ва шу билан тўғри талаффузи таъминлашимиз керак.

Бизнинг туркий тиллардаги ноаниқ сўз ва иборалар кўп ҳолларда Бобоқўриқ, яъни умумолтой тиллари орқали тез ва осонроқ аниқланади. Шу боисдан жой номиларидидаги ноаниқликларни туркий тилларга энг яқин бўлган мўғул, бурят, қолмиқ ва бошқа тиллардан излашимиз лозим бўлади. Чунки баъзи мўғул, бурят, қолмиқ сўзлари тарихий воқеалар сабабли бизнинг тилимизга кириб қолган. Масалан: «маданг» — ёғоч қалит. Аммо кўпгина сўзлар асл умумолтой бойлигимизга бориб тақалади.

Кўпинча, у ёки бу сўзнинг қайси тилдан қайси тилга ўтганлигини аниқлаш қийин. Аммо бу аниқликни белгилашда тилда катта бир имконият бор. Бу ҳам бўлса аниқ бир сўзнинг у ёки бу тилда уядош маъноли сўзларининг кўп ёки камлигини. Шу нукта-назардан келиб чиқса, биз юқорида кел-

тирган «маданг» сўзи ўзбек ёки бошқа туркий тилларда уядош сўзлар ташкил қилмайди. Бурят тилида эса, ахсича «маданг»га уядош сўз ва иборалар кўп. «Маданг хольвигинг» — ёғоч қошиқ ва бошқалар.

Жой номиларини аниқлашда ҳам шу усулдан фойдаланиш мумкин. Масалан, жой номиларидан бири Булунгурни олиб кўрайлик. Қизил империя вақтида бу жой Красногвардейск деб юртилар эди. Биз Булунгур сўзининг маъносини излар эканмиз, ҳозирги маълум ман-

нида русларнинг жангномани туркий киши ёзганлигидан олиб қочиб эди. Жой номиларини аниқлашда бундай ёндошиш ҳақодир. (Олжас Сулаймонов илмий ишларига қараган): Шу боисдан биз «булунгур» сўзининг маъносини биринчи ўринда туркий тилларга энг яқин бўлган тиллардан ахтарамиз. Бунинг учун Олтой тиллар оиласига, маъно мўғул, бурят, қолмиқ тилларига мурожаат қилишимиз керак. Олимлар шундай ҳам қилишган, яъни «булунгур» сўзининг маъносини бурят тили-

фанда жой номи сифатида алоҳида эътиборга эга бўлиб, тарих билан ҳамбарчас боғлиқ бўлади. Муғон деса жой тарихи оташпарастларга, Муғол деса, Чингиз юришларига алоқадор воқеаларга бориб тақалади.

Юқорида келтирилган лугатда қайди эътиборга яна бир жой номи ҳамда ҳам тўхталмоқчимиз. Галлаорол туманида Муқўри «муқўри» деган жой бор. Бу номида ҳам «муқўри» деган жой бор. Бу номида ҳам «муқўри» деган жой бор. Бу номида ҳам «муқўри» деган жой бор. Бу номида ҳам «муқўри» деган жой бор.

Демак, бу ҳолда ҳам биз қишлоқ номини тушуниришда биринчи йўналишда оташпарастларга борсак, иккинчи йўналишда Чингиз юришларига бориб тақаламиз.

Бундай ҳолларни Ўзбекистондаги жуда кўп жой номиларидега учратиш мумкин. Шунингдек, Бойсунийнинг бурит тилида қоя маъносини англисчани ҳам кўпчилигимиз билмаймиз.

Умуман, бугунги кундаги жой номиларини ўзгартиришлар, уларнинг маъноларини қидиришлар биринчи ўринда илмий жиҳатдан жиддий асосланган бўлиши керак. Чунки тарихий ҳақиқатни авлодларга асраб қолиш бурчимиздир. Аслида эса жонажон ватанимиз Ўзбекистондаги жой номиларининг қадриятларимиздир. Қадриятлар эса доимо муқаддас бўлмоғи керак.

С. ЯУЛДОШЕВА.

Қадриятларимиз—ифтихоримиз

НОМЛАР МУҚАДДАСДИР

балардан уни тополмаймиз. Шу боисдан бу сўзи бир неча бошқа кўринишларга бўлиб, унинг маъносини қидириш мумкин. Айтилик: булунги — бурун деб, — гурни — гур деб. Бу ҳолда бурунгор — илгари гур бўлган жой маъносига олиб келиш мумкин. Лекин бу гайриилмий бўлиб чиқади Чунки бу йўлдан борганлар ижобий натижаларга эришган эмас. Мисол учун рус олимлари «Игорь жангномаси»даги «ботир» сўзини худди шундай — буй ва — тур сўзларига бўлиб, уни туркийлардан олиб қошишга ҳаракат қилишди. Яъни «ботир Всеволод»ни буйдай, турдай Всеволод деб аташга уринишди. Чунки бунинг зами-

да — лойқа сув эканлигини аниқлашган. Бу ўринда биз С. Қораевнинг «Географик номилар маъноси» лугатида келтирилган яна бир сўзга тўхталиб ўтмоқчимиз. Лугатда Муғон деган ном Жиззах вилояти Галлаорол туманидаги жой номи сифатида берилди. Ўзини нотўғри берилгандан талқин нотўғри чиқади. Ваҳоланки, маҳаллий аҳоли бу жойни «муғон» (оташпарастлар) эмас, «муғол» деб юртади. Демак, бу жой номининг маъноси мўғуллар яшаган жой деган маънога яқин бўлиши керак. Тўғри, мўғул — этноним асосида ҳам «оташпараст», «оташпараст ўғил» маънолари ётган бўлиши мумкин. Аммо «Муғон» ва «Муғол»

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ С. Ҳ. СИРОЖИДДИНОВ НОМЛИ ЛИЦЕЙ-ИНТЕРНАТ 1993-94 ўқув йилига ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАН, БАРЧА ВИЛОЯТЛАРДАН ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАН 8-СИНФНИ БИТИРГАН ИҚТИДОРЛИ ҚўВЧИЛАРНИ 9-СИНФГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ: ЛИЦЕЙ-ИНТЕРНАТДА ҚУЙИДАГИ СИНФЛАР БОР: 1. Математика ва инглиз тили. 2. Математика ва иқтисодиёт. 3. Физика ва информатика. 4. Химия. 5. Биология. Кириш имтиҳонлари тест усулида, ёзма имтиҳон ёки суҳбат тарзида бўлиши мумкин. Математика ва инглиз тили синфига кирувчилар инглиз тили ва математикадан имтиҳон топширадилар. Бошқа синфга кирувчилар ўша синфга мос фандан имтиҳон қилинадилар. Имтиҳонлар 23—28 август кунлари эрталаб соат 9 дан лицей биносида бўлади. Ўқиш — бепул. Ўқувчилар ётоқхона, турт маҳал овқат билан давлат ҳисобидан таъминланадилар. Тошкент шаҳри талабалари қатнаб ўқийдилар. Республика фан олимпиадасининг шу йилги қатнашчилари имтиҳонсиз қабул қилинадилар. ҚИРУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТОПШИРАДИЛАР: 1. Ота-онанинг директор номига аризаси. 2. Турилганлик ҳақидаги гувоҳноманинг нусхаси. 3. Тиббиёт картаси ва соғлиги ҳақида маълумотнома (форма-26). 4. 1—8-синфлар учун баҳолар табели. 5. 3х4 катталикдаги 6 та сурат. 6. Ота-онанинг турар-жойидан ва иш жойидан маълумотномалар. МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700112, Тошкент-112. Чилонзор тумани, 9-квартал, 33-уй. Телефонлар: 78-86-49, 78-78-76. Транспортлар: 2, 13, 29, 33, 70, 77, 116-автобуслар ва 4, 9-трамвайларнинг «Чўпон ота» бекати.

XEROX UZBEK XEROX Тошкент, 700000, Буюк Турон кўчаси, 41 телефонлар: 33-54-25 32-57-50, 32-56-54 Ксерокс 5026 Кичик ҳажмдаги универсал ишлаб чиқариш машинаси Машина 5026 - Сизнинг офисингиз кўриқдир. У "катта машиналар" доирасидаги барча имкониятлари ўзида мужассамлаштирган. Кўчирма нусхалар 50%-200% масштаблар кенглигида катталаштириш ёки кичрайтириш билан тайёрланади. Кўп нусхадаги қоғозлар чиқариш зарурати туғилганда бир лотокдан иккинчисига улаш орқали бетўхтов ишлаш билан амалга ошириш мумкин. Лотоклар В5-А3 ҳажмдаги материалларни қабул қилади, қўлда ишлатиладиган мослама эса А6 дан (почта гулқоғозлари) А3 гача ҳажмда қабул қилиш имконига эга. Машина оригиналнинг ҳажмига қараб автоматик равишда керакли қоғоз ҳажмларини танлайди. Қора-қизил ранглардаги кўчирмалар стандарт ҳисобланади. Кўшимча ҳаворанг, жигаранг ва яшил ранглар ҳам бор. БИЗНИНГ ҲУДУДИЙ ВАКОЛАТХОНАЛАРИМИЗ: "Наби коминтек" Гулистон, 707000, Ш.Рашидов кўчаси, 127, тел.36-722 "Ипак йўли" ўзбек-хитой савдо уйи Фарғона, 712000, Високовольтная кўчаси, 2, тел. 48-109 Xerox The Document Company XEROX Authorised Dealer

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазири, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазири (ҳаммуассис), Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюشمаси Марказий кўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент. 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: маъсул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58, 52-35. ИНДЕКС: 64595. Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000040. Буюртма Г—239. 117209 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Обсет усулида босилган, қоғоз бичиқчи А—2. Босишга топшириш вақти 19.00. Босишга топшириш — 18.30.